



Ислом Нури

Олтинчи асос:

Авлиёларнинг кароматларини тасдиклаш

Салаф солиҳ – “ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан яна бири солиҳ тушни яъни, солиҳ кишилар кўрган тушнинг ростлигини тасдиклашdir. У пайгамбарликдан бир кисм хисобланади. Солиҳ кишилар учун тўғри, вокеликка мос фаросатнинг мавжудлиги хам хакдир. Аллоҳ таоло деди: **“Энди качонки у (бода катта бўлиб) отаси (Иброҳим) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй, ўғилчам, мен (хадеб) тушимда сени (курбонлик учун) сўяётганимни кўрмокдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр килишингни бир ўйлаб кўргин», – деган эди. У айтди: «Эй, отажон, сизга (тушингизда Оллоҳ томонидан) буюрилган ишни килинг. Иншоаллоҳ, мени сабр килувчилардан топурсиз”** (Софбот: 102).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “Пайгамбарликдан башоратларгина колди”— дедилар. Сахобалар: “Башоратлар нима.”— деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “Солиҳ тушлар”— деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Шунингдек “Ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодларидан бири — авлиёларнинг кароматларини тасдиклашdir. Каромат эса Куръон ва суннат далолат килганидек, Аллоҳ таоло баъзи солиҳ кишиларнинг кўлларида, уларни эъзозлаб жорий килган гайритабиий (одатдан ташкари) ишлардир.

Аллоҳ таоло деди: **“Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валий(дўст)ларига (охиратда) хавф йўқдир ва улар маҳзун хам**



бўлмаслар. Улар иймон келтирган ва такволи бўлганлардир.
Уларга дунё хаётида хам, охиратда хам
башорат(хушхабар)бордир. Аллохнинг сўзларида ўзгартириш
йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир ” (Юнус: 62 – 64).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ таоло: “Ким менинг дўстимга душман бўлса, мен унга карши уруш эълон килдим”— деди” (Имом Бухорий ривояти).

Бирок “Ахлуссунна вал-жамоа”нинг кароматларни тасдиқлашда шаръий коидалари бор. Гайри табиий суратда содир бўлган хар кандай нарса каромат бўлавермайди. Балки, баъзи одатдан ташкари ишлар “истидрож” (Шайтоний харакатлар), сехр ва кўз бойлаш бўлиши мумкин. Каромат ва кўз бойлаш ўртасидаги фарқ жуда хам катта ва очикдир.

Кароматнинг сабаби тоат-ибодат бўлиб, у тоат-ибодатда давомий бўлган кимсалар учун берилади.

Кўз бойлашнинг сабаби эса куфр амаллари ва гунохлардир. Аллоҳ таоло деди: “**Албатта шайтонлар ўз дўстлари (яъни, мушриклар)ни сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар. Агар уларга итоат килсангизлар, албатта, сизлар (хам) мушрикдирсизлар**” (Анъом: 121).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Дунёда сехр ва сеҳргарлар борлигини тасдик киладилар.

Аллоҳ таоло деди: “**Бас, качонки сеҳргарлар келганларида...**” (Юнус: 80).



Ислом Нури

“... зўр сехр кўрсатдилар” (Аъроф: 116).

“...Лекин Шайтонлар кофир бўлдилар. Улар одамларга сехрни ўргатар эдилар” (Бакара: 102).

Бирок, жинлар Аллохнинг изни билангина бировларга зарар бера оладилар. Аллох таоло деди: **“(Лекин) улар Аллохнинг изнисиз хеч кимга зарар етказа олмайдилар. Улар ўзларига хеч фойдасиз, бильякс зарарли ўрганадилар...”** (Бакара: 102).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Сехр Аллохнинг изнисиз зарар ва фойда бера олади, деб эътиқод килган кимса кофир, сехрни мубоҳ деган кимсани ўлдириш вожибdir”— деб эътиқод киладилар. Чунки барча мусулмонлар сехрнинг харом экани ва сехргардан тавба килиниши, тавба килса яхши, бўлмаса катл килинишига иттифок килдилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох таолонинг одам фарзандига васваса килиб, уни адаштирадиган ёки адашишини хохлаган жин шайтонларини яратгани, уларни хохлаган бандаларига хукмрон килиши ва хохлаган бандаларини уларнинг макр ва хийлаларидан химоя килишига иймон келтирадилар.

Аллох таоло деди: : **“Албатта шайтонлар ўз дўстлари (яъни, мушриклар)ни сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар. Агар уларга итоат килсангизлар, албатта, сизлар (хам) мушрикдирсизлар”** (Анъом: 121).

“Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан кўзгат, уларнинг устига отлик ва пиёда (лашқарингни) торт, топган мол-давлат ва фарзандларида уларга шерик бўл (яъни, уларни



Ислом Нури

харомдан мол-дунё ва бола-чака орттиришга унда), уларга (ёлгон) ваъдалар кил. — Дарҳакикат, шайтон улага факат алдов-ёлгон нарсаларнигина ваъда килур. —” (Исро: 64).

“Албатта, иймон келтирган ва Ёлгиз парвардигорлариға таваккул киладиган зотлар устида (шайтон) учун хеч кандай салтанат — хукмронлик йўқдир. Унинг хукмронлиги факат, (уни) дўст тутиб, (Аллоҳга) шерик килиб оладиган кимсалар устидадир” (Нахл: 99, 100).

Еттинчи асос:

“Ахлуссунна вал-жамоа” нинг хукмларни олиш ва далил келтириш услуби

“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг хукмларни олиш ва далил келтиришдаги эътиқод асосларидан Аллоҳ таолонинг Китоби Куръон Карим ва расулининг сахих суннатлариға ботинан ва зохиран эргашиш ва таслим бўлишдир. Аллоҳ таоло деди: “Аллоҳ ва Унинг расули бир ишни хукм килган — буюрган вактида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Оллоҳнинг хукмини кўйиб) ўзлари хохлаган ишларини ихтиёр килишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг расулига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан йўлдан озибди.**” (Ахзоб: 36)**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: “Мен сизларга икки нарсани колдирдим. Агар уни маҳкам ушласангиз харгиз адашмайсиз. Улар Аллоҳнинг Китоби ва расулининг суннатидир” (Сахих хадис. Бу хадисни Хоким “ал-Мустадрак” китобида ривоят килди. Шайх Албоний “Мишкот” китобида бу хадиснинг сахих эканини баён килди).



Ислом Нури

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Аллохнинг Китоби, сўнгра расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари” — демайдилар. Балки, “Аллохнинг Китоби ва расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари биргаликда” — дейдилар. Чунки суннат Аллохнинг Китоби билан чамбарчас боғланган ва Аллоҳ расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этишни фарз килган, Зеро, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати Аллоҳ ирода килган маънонинг баёнидир.

Бундан сўнг “ахлуссунна вал-жамоа” мухожир ва ансорлар каби сахобаларга умуман, тўгри йўлда бўлган халифа (хулафо ар-рошидун) ларга хусусан эргашадилар. Чунки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга эргашибига васият килган эдилар. Улардан сўнг эса расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан афзал деб айтилган асрларда сахобалардан сўнг яшаган кишилар — тобииналарга эргашадилар. Чунки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менинг суннатимни ва тўгри йўлда бўлган халифаларнинг суннатларини махкам ушланглар. Янги чиккан ишлардан узок бўлинглар. Чуни янги чиккан барча нарса бидъат ва барча бидъат залолатдир” (Шайх Албоний: “Саҳиҳу Суннани Аби Довуд”).

Шунинг учун хам “ахлуссунна вал-жамоа”нинг низо пайтида мурожаат этадиган манбаси Аллохнинг Китоби, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (саҳиҳ) суннатларидир. Аллоҳ таоло деди: **“...Борди-ю, бирор нарса хакида талашиб колсангиз, – агар хакикатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбариға кайтарингиз! Мана шу яхширок чиройлирок ечимдир”** (Нисо: 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сахобалари Куръон



Ислом Нури

Карим ва расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини тушунишда “аҳлуссунна вал-жамоа”нинг манбалариdir. Улар наздида Куръон ёки сахих суннатдан бирон нарса киёс, завқ, валийнинг кашиғи, шайх ёки имомнинг сўзи билан мукобил кўйилмайди. Чунки дин расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хаётлик даврларида бутунлай мукаммал бўлган. Аллоҳ таоло деди: **“Бугун сизларга динингизни комил килдим, неъматимни бенуксон, тўкис килиб бердим ва сизлар учун (факат) Исломни дин килиб танладим.”** (Моида: 3).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Аллоҳ ва расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига бирон кишининг сўзларини мукаддам кўймайдилар. Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, сизлар Оллоҳ ва Унинг пайгамбари олдида (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) кадам босманглар! Ва Оллоҳдан кўркинглар! Албатта Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир.**” (Хужурот: 1).

“Аҳлуссунна вал-жамоа”: “Аллоҳ ва расули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аввал бирон сўзни айтиш Аллоҳ таолога билимсиз сўз айтиш ва Шайтон васвасасидир”— деб биладилар.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” наздида соглом акл тўғри наклга зид эмасдир. Шунинг учун хам улар иштибоҳли холатларда наклни аклдан мукаддам кўядилар ва мушкиллик бартараф бўлади. Зеро, накл акл учун муҳол бўлган нарсаларни олиб келмайди, Балки, акллар хайрон бўладиган нарсаларни олиб келади. Инчунун, акл берилган хабарлар — наклни тасдиклайди, акси эмас.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” аклнинг кадрини камайтирмайдилар. Чунки у, мукаллафлик (бандалик таклифи)нинг асосидир. Бирок, “аҳлуссунна



Ислом Нури

вал-жамоа”: “Акл шариатга мукаддам бўла олмайди. Йўкса, одамлар пайгамбарлардан бехожат бўлар эдилар. Лекин акл шариат доирасида харакат килади”— деб айтадилар. Шунинг учун хам, уларни расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига эргашганлари, мутлак бўйсунганлари ва уни маҳкам ушлаганлари учун хам “аҳлуссунна” деб аталди. Аллоҳ таоло деди: **“Энди агар улар сизга жавоб берга олмасалар, билингки, улар факатгина хавоий нафсларигагина эргашурлар. Аллоҳ томонидан хидоятланмаган холда ўз хавоий нафсига эргашган кимсадан хам йўлдан озганрок ким бор?! Албатта, Аллоҳ золим кавмни хидоят килмас”** (Касас: 50).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” Куръон Карим ва расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сунатларидан сўнг уммат уламолари ижмоъ (иттифок) килган ва суюнган хукмларни ушлайдилар. Чунки расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу сўзларни айтган эдилар: “Аллоҳ умматимни залолат узра жам килмайди. Аллоҳнинг кўли жамоат узрадир. Жамоатдан ажралган кимса жаханнамда ёлгиз колади” (Шайх Албоний: “Саҳиҳ Сунанит-Термизий”).

Демак, бу уммат хакни тарк килиш ва ботил нарсага ижмоъ килишдан маъсумдир.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошка бирон кимса учун маъсумликни эътиқод килмайдилар хамда Куръон ва суннатда очик баён килинмаган нарсалар хакида зарурат кадар ижтиход килиш лозим, деб ўйлайдилар. Шундай бўлсада, сўзи Куръон Карим ва суннатга мувофик бўлмагунича бирон кишининг раъийга таассуб килмайдилар. Улар: “Мужтаҳид хукмни тўгри ва хато чикиариши мумкин. Тўгри хукм килган мужтаҳид икки ажр ижтиход ва



Ислом Нури

тўгри топганлик ажри, хато килган мужтахид эса битта савоб – ижтиход савобини олади” – деб эътиқод киладилар. “Аҳлуссунна вал-жамоа”нинг ижтиходий масалалардаги фарклилиги улар ўртасида адоват ва юзкўришмасликни пайдо килмайди. Балки, улар бир-бираини севиб, баъзи масалаларда ихтилофли бўлса-да, бир-бирларининг оркаларида намоз ўкийверадилар.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” мусулмонлардан бирон кишини муайян факихнинг мазхабида юришга мажбур килмайди. Бундан ташкари улар таклид этиш эмас, балки далил билан эргашиш бўлса зарар йўқ, мусулмон бир мазхабдан далили кучли бўлган бошка бир мазхабга ўта олади, деб биладилар. Ўзида илмий лаёкати бўлган одам мазхаббоши имомларнинг далилларини билиши, бир масала хусусида бир имомнинг мазхабидан далили ва билими кучлирок бўлган бошка бир имомнинг мазхабига ўтиши мумкин ва далилларини билмаган холда бир кишининг сўзларини маҳкам ушлаб олмаслиги керак. Чунки у, бу билан мукаллид бўлиб колади. У бир нарсага берилган фаркли хукмларнинг кувватлisisини ўрганиш учун куч ва гайратини сарф этиши керак. У ёки бу масалани кувватлаш имконини кила олмаса у холда бу кишининг хукми авом киши хукмидек бўлиб илм ахлидан сўраш лозим бўлади. Далилларни била олмайдиган омининг мазхаби – муфтийсининг мазхабидир. У Куръон ва суннатни билган одамдан сўраши керак. Аллоҳ таоло деди: **“Агар билмасангизлар зикр (илм) ахллари (уламолар)дан сўранглар!”** (Нахл: 43).

“Аҳлуссунна вал-жамоа”: “Диндаги факихлик-билимдонлик билим ва амал билангина хосил бўлади. Кўп илмга эришган, бирок унга амал килмаган ёки расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг йўлларига эргашмаган киши факих эмас” – деб айтадилар.



Ислом Нури

“Каромат” — гайри табиий ишдир. Бирок, у, пайгамбарлар мўъжизаларига ракобат ёки пайгамбарлик даъвоси билан бўлмайди. Аллоҳ таоло кароматни шариатга катъий амал килган кишиларга уларни икром килиб беради. Каромат Куръон Каримнинг “Кахф” ва бошка сурасида баён килинганидек, тарихда яшаб ўтган халкларга хам берилган эди. Ислом умматининг аввалида эса сахобалар ва тобииналарга хам берилди. Умар ибн Хаттоб разиёллоху анху узокда бўлган сахобага: “Эй Сория, токка чик!”— деб хитоб килди. Бундан бошка кароматлар хам кўп. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан ривоят килинган ишончли (сахих) хадислар тўпламлари ва бошка асарларда Аллоҳнинг Китоби ва расулининг суннатларига амал килган солиҳ кишилар учун берилган кароматларни кўрган ва билган минглаб ишончли олимлар ривоят килдилар. Кароматлар Аллоҳро хоҳлаган вактга кадар бу умматда давом этади. Авлиёлар кароматларининг содир бўлиши, аслида, пайгамбарларнинг мўъжизасидир. Зеро, каромат расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга эргашиш ва у киши келтирган дину шариат йўлида юриш баракоти билан содир бўлади ва аклан бўлиши мумкин бўлган нарсадир. Аллоҳ таоло берган баъзи мўъмин бандаларига илм уфкларининг очилиши биз эшитиб, ўқиганимиз каромат яъни, моддий, гайри табиий ишлардан кўра яхширок ва буюкрок бўлиши мумкин.

Куръон ва суннатга амал килиб сабот билан туриш хамда Аллоҳ ва расули соллаллоҳу алайхи ва салламга итоат ва уларнинг хукмларига рози бўлиш, билим ва амалга муваффак бўлиш хам кароматдир. Баъзи мусулмонларнинг хаётларида кароматнинг содир бўлмаслиги, улар иймонининг заифлигига далолат килмайди. Чунки кароматнинг содир бўлиш сабаблари бор: Масалан:

Банданинг иймонини кувватлаш учун каромат берилиши.



Ислом Нури

Шунинг учун иймонлари кучли бўлгани боис кўплаб сахобалар хаётида каромат содир бўлмади.

Душманларга хужжатни келтириш сабабидан.

Каромат — акл томонидан тартибга солинмайди. Бирок шариат конун-коидаларига мувофик бўлиши шартдир.

Кароматнинг шартлари бўлиб улар: у шаръий хукм ва диний коидаларни харом килмаслик, тирик одамдан ва эхтиёж учун содир бўлиши. Агар бу шартлар бузилса, содир бўлган нарса каромат эмасдир. Балки у хаёл ёки вахм ё шайтоний хабардир. Каромат билан бирон шаръий хукмни исбот хам, инкор этилмайди. Чунки шаръий хукмларнинг Куръон, суннат ва ижмоъдан иборат ўз манбалари бор.

Аллоҳ таоло кароматни бир такволи мӯъмин бандасининг кўлида содир этган бўлса, бу одам Аллоҳ таолога бу неъмат учун шукр килиши, бу неъматни яшириши ва одамлар олдида фахрланиш ва обру олиш учун васила килиб олмаслиги керак. Бундай килиш халокатга олиб боради. Зоро, кўплаб одамлар уларни шайтон шу йўл билан йўлдан урганда дунёю охиратда зиён кўрдилар. Шунинг учун хам, Аллоҳ таоло Куръон Каримнинг кўп оятлари, хусусан, “Фуркон” сурасининг 63-84 – оятларида хамда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катор хадисларида баён килган Аллоҳ таолонинг авлиёларининг сифатларини унутмаслик керак.

Бу сифатларнинг баъзилари: Аллоҳга, Аллоҳнинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни, казо ва кадарнинг яхши ва ёмонига иймон келтириш, такво — Аллоҳ таолодан кўркиш, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига амал



килиш, Аллохга учрашиш кунига тайёрланиш, Аллох учун яхши кўриш ва Аллох учун ёмон кўришдир.

Аллохнинг авлиёларини кўришингиз сизга Аллохни эслатади, ерда тавозу билан хокисор бўлиб юрадилар, жохиллар хитоб килсалар: “Саломат бўлинг” дейдилар, тунларини роббилирага сажда ва киём билан ўтказадилар ва: “Роббимиз, биздан жаханнам азобини бургин” дейдилар, пул-мол сарф этсалар исроф ва баҳиллик килмайдилар, Аллох билан бирга бошка илоҳларга дуо килмайдилар, Аллох харом килган жонни ноҳак ўлдирмайдилар, зино килмайдилар, ёлгондан гувоҳлик бермайдилар, бехуда нарсалар олдидан ўтсалар, вакор билан ўтадилар, уларга Аллохнинг оятлари эслатилса онгли равишда сажда килиб йикиладилар, дуолари эса: Роббимиз, жуфтларимиз ва зурриётларимизни биз учун кувонч кил ва бизларни такволи кишилар учун имом кил” дир...

Куръон Карим ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатларида Аллох таолонинг авлиёларининг бундан бошка сифатлари хам бор.

Ибн Кудома Макдисий рахимахуллоҳ деди: “Сехр — bogлаш, dam солиш, айтилган ёки ёзилган сўз ва килинган иш бўлиб у одамнинг бадани, калби ва аклига билвосита таъсир этиши мумкин. Сехрнинг хакикати бўлиб, ўлдириши, касал килиши, кишини хотинига жинсий алокадан ман килиши, эр ва хотин ўртасини бузиши ва уларни бир-бирига яхши ёки ёмон кўрсатиши мумкин...

Бу имом Шофийй рахимахуллоҳнинг сўзидир. Ва яна Ибн Кудома деди: Мазкур ишлар собит экан демак сехрни ўрганиш ва ўргатиш харомдир. Бунда ахли илм ўртасида хилоф борлигини билмаймиз.



Асхобларимиз дедилар: сехр килувчи уни ўрганиши ва килиши билан – хоҳ харомлигини эътиқод килсин, хоҳ мубоҳлигини- коғир бўлади. Ибн Кудома яна сехр хакикати хакида тўхталиб деди: Сехрнинг хакикати бўлмаса эди, Аллоҳ таоло ундан паноҳ сўрашга буюрмаган бўлур эди. Аллоҳ таоло деди: "...балки одамларга сехр ўргатадиган шайтонлар коғир эдилар. Ва Бобилдаги Хорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларга эргашадилар.— Холбуки, у фаришталар: «Биз факатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтихон килиш учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни килиб) коғир бўлиб колма», демасдан туриб хеч кимга хеч нарса ўргатмас эдилар.— Ва ўшалардан (Хорут ва Морутдан) эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар. (Бакара: 102) ” (Каранг: “ал-Мугний”: 8/ 150, 151).

Макка шахридан хижрат килган мусулмонларга ёрдамчи бўлган мадиналиклар.

“Таклид” — мукаллаф одамнинг шаръий хукмларда сўзи хужжат бўлмаган кишининг мазхабини лозим тутишидир. Ёки бир кишининг сўзини далилини билмай, ёки далилини айтмаган кишининг сўзини кабул килиш, демакдир. “Мукаллид” (таклидчи) муайян бир кишига далилини билсин, билмасин эргашган ва унинг сўзларидан акси исбот этилсада чикмаган одамдир.

Таклиднинг — илм, мукаллиднинг эса олим олим эмаслигида олимлар ўртасида хилоф йўқ. Аллоҳ таоло таклидни коралади ва кўп оятларда таклид килишдан кайтарди: **“Качон уларга: «Оллоҳ нозил килган нарсага ва пайгамбарга келинглар», дейилса, улар: «Биз учун ота-боболаримизни ниманинг (яъни кайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли», дейишади. Агар ота-боболари хеч**



нарсани билмайдиган ва хак йўлни топа олмайдиган бўлсалар хам-а?!” (Моида: 104).

Салаф уламолари ва мужтахид имомлар хам таклид килишдан кайтардилар. Чунки таклид мусулмонлар сафидаги тортишув ва заифликка сабаб бўлиб, бирлик эса расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш хамда ихтилоф пайтида “Аллоҳ айтди” ва “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди”га кайтишдадир.

Шунинг учун хам, биз сахобаларнинг — Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин — ўзларидан бирон муайян кишига барча масалаларда таклид килганликларини кўрмаймиз. Шунингдек, мазхаб асосчилари бўлмиш тўрт имом хам — Аллоҳ уларни раҳмат килсин — ўз раъйларига таассуб килмадилар. Балки, ўз раъйларини расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хадисларини кўрганлари ёки эшитганлари замон тарк этар эдилар. Улар ўзларига далилларини билмай туриб таклид килишдан кайтарар эдилар. Имом Аъзам Абу Ханифа раҳимахуллоҳ: “Хадис сахих (ишончли) бўлса, у менинг мазхабимдир”— дедилар. Бундан ташкари: “Хеч бир кишига каердан олганимизни билмай туриб, бизнинг сўзимизни олиши халол эмас”— дедилар.

Имом Молик раҳимахуллоҳ: “Мен хам инсонман. Мен хам тўгри ёки хато иш килишим мумкин. Менинг раъйларимга каранглар, агар Куръон ва суннатга мувофик бўлса олинглар, бўлмаса ташланглар!”— деди.

Имом Шофиий раҳимахуллоҳ деди: “Хар бир масъалаки у хакда ровийларнинг расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан килган сахих накллари мен айтган сўзларнинг акси бўлса, мен у сўзларимдан



Ислом Нури

хаётлигимда хам ўлганимдан кейин хам кайтувчиман ”.

Ином Ахмад раҳимахуллоҳ деди: “Сен менга, Моликка, Шофиййга, Авзоййга, Саврийга таклид килма! Хукмларни улар олган ердан ол!”.

Иномларнинг бу хакда айтган сўзлари жуда хам кўп. Чунки улар Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзларини жуда яхши тушунар эдилар:
“(Эй инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил килинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насихат олурсизлар.” (Аъроф: 3)